

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

49 2014-2015 йилларда ва истиқболда 2020 йилгача
сувларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари
бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастурини тас-
диқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисини сел тошқини ва ер ўпирилиши ҳодисаларидан ҳимоя қилиш бўйича 2013 йил учун қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 28 февралдаги ПҚ–1926-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда тошқин сувлари ва сел оқимларини Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш бўйича амалга ошириладиган ишлар самарадорлигини ошириш, аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларининг ижтимоий объектларини тошқин ва хавфли сел ҳодисаларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Андижон, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги ПҚ–1926-сон қарори доирасида қирғоқни мустаҳкамлаш ва бошқа тарзда ҳимоя қилишнинг биринчи навбатдаги тадбирларини сўзсиз бажариш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Жиззах, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимларига юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

2. 2014-2015 йилларда ва истикболда 2020 йилгача сувларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастури маъқуллансин. Дастурда қуйидагилар назарда тутилади:

2014-2015 йилларда сел ва тошқин сувларини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли сув хўжалиги объектлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юборишни таъминлаш ишларининг прогноз параметрлари (фойдаланиш харажатлари ҳисобига) 1-иловага* мувофиқ;

2015 йилда сел ва тошқин сувларини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли сув хўжалиги объектлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юборишни таъминлаш ишларининг прогноз параметрлари (капитал қўйилмалар ҳисобига) 2-иловага* мувофиқ;

2014-2015 йилларда сел ва тошқин сувларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли сув хўжалиги объектлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юборишни таъминлаш ишларининг прогноз параметрлари (капитал қўйилмалар ҳисобига) 3-иловага* мувофиқ;

2014-2015 йилларда сел ва тошқин сувларини бошқа вазирликлар ва идораларга қарашли сув хўжалиги объектлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юборишни таъминлаш ишларининг прогноз параметрлари (ўз маблағлари ҳисобига) 4-иловага* мувофиқ;

истикболда 2016 — 2020 йиллар даврида сувларни Ўзбекистон Республикасининг сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юборишнинг асосий параметрлари 5-иловага* мувофиқ.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

вазирликлар ва идораларнинг ўз маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар тошқин сувлари ва сел оқимларини Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юборишни таъминлаш ишларини бажаришни молиялаштиришнинг манбалари этиб белгилансин.

4. Белгилансинки, тасарруфда сув хўжалиги объектлари бўлган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

тегишли ишлар бажарилишининг буюртмачилари ҳисобланадилар;

ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши ва манзилли дастур бажарилиши учун жавоб берадилар.

5. Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, шунингдек манфа-

* 1 — 5-илвалар рус тилидаги матнда берилган.

атдор вазирликлар ва идоралар ҳар йили 2014-2015 йилларда ва истиқболда 2020 йилгача сувларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастури доирасидаги тадбирларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадваллари белгиланган тартибда тасдиқла-нишини таъминласинлар, улар ўз вақтида бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фав-қулодда вазиятлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда тошқин сувлари ва сел оқимларини Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш-ни таъминлаш лойиҳаларини шакллантириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни иш-лаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети пара-метрларини шакллантиришда вазирликлар, идораларнинг харажатлари сме-тасида, шунингдек вилоятлар ҳокимликларининг маҳаллий бюджетлари па-раметрларида 1 ва 3-иловаларга киритилган объектлар бўйича тадбирларни бажаришга зарур маблағларни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2014 йил ва кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Инвести-ция дастурини шакллантиришда буюртмачиларнинг асосланган ҳисоб-китоб-лари бўйича 2, 3, 5-иловаларга киритилган объектлар бўйича ишларни ба-жаришни молиялаштиришга буюртмачиларга ҳар йили ажратиладиган ли-митлар доирасида бюджет маблағларини назарда тутсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда манзилли дастурга киритил-ган лойиҳалар амалга оширилиши устидан объектма-объект мониторинг ўрнатсин ва ҳар ойда тегишли ахборотни тошқин сувлари ва сел оқимлари-ни хавфсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчкиси ва ер ўпирилиши ҳодисалари хавфини пасайтириш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин-лар.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 21 январь,
13-сон